

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ИСАМУТДИНОВ Равшан Рахмонович

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котибияти

Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича

ўқув маркази директори ўринбосари

мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10841776>

МАҲАЛЛА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада маҳалланинг Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг субъекти сифатидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳалла ижтимоий институтини миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги фаолияти ўрганилган. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизликнинг асосий соҳаларидан ҳисобланган озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик хавфсизлик йўналишлари бўйича маҳалла жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги фаолияти ҳамда жамоатчилик назоратининг маҳалла томонидан амалга ошириш шакллари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: маҳалла, миллий хавфсизлик, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шахс, жамият, давлат, ҳуқуқ ва эркинлик, экологик хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлик, ижтимоий хавфсизлик, маҳалла еттилиги, субъект.

МАХАЛЛЯ КАК СУБЪЕКТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно анализируется деятельность махалля как субъекта обеспечения национальной безопасности Республики Узбекистан. Также изучается деятельность социального института махалли по установлению общественного контроля за обеспечением национальной безопасности, обеспечением прав и свобод граждан. Аналогичным образом, упоминается деятельность Республики Узбекистан как субъекта махалли общественного контроля в областях продовольственной безопасности и экологической безопасности, рассчитанная исходя из основных направлений национальной безопасности, и формы осуществления общественного контроля со стороны махалля.

Ключевые слова: махалля, национальная безопасность, общественный контроль, идентичность, общество, государство, права и свободы, экологическая безопасность, продовольственная безопасность, социальное обеспечение, махаллинской семёрки, предмет.

MAHALLA AS A SUBJECT OF ENSURING NATIONAL SECURITY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article analyzes in detail the activities of the mahalla as a subject of ensuring the national security of the Republic of Uzbekistan. The activities of the social institution of mahalla to establish public control over ensuring national security and ensuring the rights and freedoms of citizens are also studied. Similarly, the activities of the Republic of Uzbekistan as a subject of mahalla public control in the areas of food security and environmental safety, calculated based on the main directions of national security, and the form of public control on the part of the mahalla, are mentioned.

Key words: mahalla, national security, public control, identity, society, state, rights and freedoms, environmental safety, food security, social security, mahalla seven, subject.

Ҳар қандай мамлакат ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишда миллий хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсатни ишлаб чиққан. Шу ўринда миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат маълум бир ижтимоий институтларнинг имкониятларидан сиёсатни амалга оширишда самарали фойдаланиши мумкинлиги кузатишган. Бундай институтлар миллий хавфсизликни таъминлашда ижтимоий муносабатлар иштирокчи сифатида ўз фаолиятини субъект сифатида намоён этиб келган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий муносабатлар иштирокчиси ва миллий-тарихий институт сифатида маҳалла эътироф этилади. Маҳалла ўзбек халқининг том маънодаги қадрияти бўлиб, унинг шаклланиши ва ривожланиши бир неча асрларга бориб тақалади. Биз ушбу параграфда маҳалла ижтимоий институтининг Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг субъекти сифатидаги фаолиятини таҳлил қиламиз. Бу борада авваламбор “миллий хавфсизлик” атамасини мазмун-моҳиятини англашимиз зарур.

Мамлакатимизда “миллий хавфсизлик” масаласига мустақиллик эришилганидан кейинги даврдан бошлаб алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1991 йил 26 сентябрдаги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ташкил этилиши ва 1997 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясининг тасдиқланиши билан “миллий хавфсизлик” тушунчаси кенг доирада қўлланила бошланди [1, Б.10].

Тадқиқотимиз давомида ўрганишларимиз шуни кўрсатдики миллий хавфсизлик масаласига доир қўплаб илмий изланишлар ва тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда тушунчанинг ўзига хослиги ва соҳалар кесимидаги манфаатларимизга биноан баён этилган. Шу маънода биз хавфсизликка оид илмий адабиётлар ва манбалар таҳлилидан келиб чиқиб, миллий хавфсизлик тушунчаси ва унинг соҳалари, сабаблари, субъект ва объектини ёритиш нуқтаи назаридан “миллий хавфсизлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини қуйидагича ифодалашни лозим топдик. Миллий хавфсизлик – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати.

Миллий хавфсизлик субъектлари – шахс, жамият ва давлат бўлиб, объекти эса уларнинг бирламчи миллий манфаатлари ҳисобланади. Миллий хавфсизликни асосий соҳалари сифатида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, ахборот, экологик ва маънавий хавфсизлик кабиларни келтириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, маҳалла - хавфсизлик субъекти бўлиши мумкин. Хусусан, хавфсизлик субъекти – бу, аввало, хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар иштирокчиси [2, Б.10] бўлиб, муайян фаолият билан шуғулланувчи шахс ёки ижтимоий гуруҳ назарда тутилади.

Мана шу жиҳатдан олиб қараганда маҳалла хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар иштирокчиси сифатида эзгу мақсад йўлида фуқароларни бирлаштирувчи ва жиқлаштирувчи, ўзини ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий тузилма ҳисобланади. Бу ижтимоий тузилмани таркибидаги фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеи аҳамият касб этмайди.

Тадқиқотимиз давомида 1991-2023 йиллар мобайнида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда кодекслари ўрганилганида, жами 95 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатда 170 та вазифа маҳаллага юклатилганлиги маълум бўлди.

Шундан 81 таси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатидаги 121 та ҳамда 14 таси Ўзбекистон Республикаси кодексидаги 49 та вазифаларни ташкил қилади. Ушбу вазифалар бўйича маҳалла ижтимоий институтининг хавфсизликнинг субъекти сифатидаги фаолияти контент таҳлил қилинганида, маҳалла 259 та функцияни бажариши билан бошқа хавфсизлик субъектлардан ажралиб туришини гувоҳи бўлди. Ушбу функцияларнинг ҳар иккинчиси маҳалланинг қуйидаги учта функциясида ўзини намоён қилди:

- 1) Жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
- 2) Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш (иштирок этиш);
- 3) Маълум бир фаолият йўналиши бўйича қўмаклашиш;

Мазкур қайд қилинган функциялар ҳақида тўхталадиган бўлсак, дастлаб маҳалла ижтимоий институтининг жамоатчилик назоратини ўрнатиш функцияси миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Маҳалла – жамоатчилик назорати субъекти ҳисобланиб, жамоатчилик назоратини давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик эшитувини ўтказиш, давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш шаклларда амалга оширади.

Жамоатчилик назорати шаклларини амалга оширишда маҳалланинг миллий хавфсизлик ва унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, маънавий хавфсизлик соҳалари ҳамда озиқ-овқат, жамоат, миграцион, энергетика хавфсизлиги каби даражаларида миллий манфаатларни таъминлашдаги фаолиятида кўринади. Масалан, экологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда маҳалла қуйидаги тартибда жамоатчилик назоратини ўрнатиши мумкин:

а) Экологик хавфсизлик йўналишида - маҳалла ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик назоратини [3] амалга оширади.

Аксарият юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектларни қуришда ҳамда чорва моллар ўтлатиладиган ҳамда кишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳайдаб ўтиладиган жойларни белгилашда тегишинча ваколатли идоралар билан келишмайди.

Маҳалла эса юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитга таъсир кўрсатадиган фаолияти ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширишини назорат қилиб, уларни тушунтиришини талаб қилади ва қонунбузилиш ҳолати бўйича ваколатли ташкилотларга сўров юборади.

б) Озиқ-овқат хавфсизлик йўналишида эса маҳалла ўз ҳудудида жойлашган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этилиши фаолияти устидан жамоатчилик назоратини [4] ўрнатади.

Бунда маҳалла озиқ-овқат маҳсулотини сифати ва хавфсизлиги муайян вақт ўтганидан кейин ўзгариши ҳамда одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўладиган озиқ-овқат маҳсулотига яроқлилик муддати белгиланганлиги ёки озиқ-овқат маҳсулоти, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситалар уларнинг нормалар ва қоидаларга мослигини тасдиқлаш мақсадида сертификатланганлиги бўйича озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилади.

Шу билан бирга, маҳалла ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини, айниқса турли тоифадаги шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда асосий рол ўйнайди. Бизнинг фикримизча, бундай тоифадаги шахсларга болалар, вояга етмаганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, ёшлар ва яққа ёлғиз яшовчи қариялар кириши мумкин. Мазкур тоифадаги шахслар бўйича маҳалла ижтимоий хавфсизликни таъминлаш соҳасида чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади. Ижтимоий хавфсизликни таъминлашда маҳалла институтининг ўрни ҳақида кейинги бобимизда батафсил сўз юритамиз. Шу боис унинг айрим жиҳатлари ҳақида ушбу параграфда қисқача тўхталиб ўтамиз.

Жумладан, маҳалла болалар, вояга етмаганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, ёшлар ва яққа ёлғиз яшовчи қарияларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳаётда таъминлаши мумкин. Инсон туғилганидан бошлаб табиий ва ажралмас ҳуқуқларга ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, озодлиги, тенглиги, эркин бўлиши, хавфсизлиги ва дахлсизлиги кабиларга эга бўлади. Албатта ҳар бир инсон табиий ва ажралмас ҳуқуқларни оилада дастлаб амалга оширилади.

Оилалар йиғиндиси эса маҳалла ижтимоий тузилмасини ташкил қилади. Шу сабабли маҳалла оилани ташкил қилувчи элементлар эр-хотин, фарзандларни уларни шартли равишда мансублик тоифасига кўра ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлайди. Оилани элементлари ҳисобланган бобо, буви, эр-хотин, фарзандлар мавжуд ҳолатга кўра маълум бир мансубликка кириши мумкин. Хусусан, фарзанд 18 ёшга тўлмаган бўлса, вояга етмаган ёки 23 ёш бўлса ёшлар тоифасига киради. Шунга кўра, маҳалла фуқароларни турли тоифаларга ажратади. Биргина мисол, маҳалла боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қуйидаги йўналишларда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда таъминлаши билан ифодаланади:

- болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишида шарт-шароит яратиш;
- болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари билан таништириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш;
- боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларида, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, кўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, билим олиш, хусусий мулкка, соғлиғини сақлаш, турар жойга ва меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш ҳисобланади.

Шу боис, халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган ибора бежиз айтилмаган.

Бундан ташқари, маҳалла миллий хавфсизлик ва унинг соҳалари бўйича маълум бир фаолият йўналишида хавфсизлик субъектлари давлат ва жамиятга кўмаклашиши мумкин. Бу фаолият йўналишларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда;

- оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ўтказишда, тегишли ҳудуднинг, сув таъминоти манбаларининг, турар жойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати, ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига, савдо қоидалари ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига;
- ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларга патронаж ёрдами шу мақсадда ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига;
- тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар бандлигини таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга;
- деҳқон, фермер хўжаликларининг ва томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантиришга;
- тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга;
- тегишли ҳудудда фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланилиши, шу жумладан паспорт режимига риоя этилиши, яшаётган шахсларнинг ҳисобга олиниши ва тегишли шартномаларнинг мавжудлиги юзасидан назоратни амалга оширишда ички ишлар органларига;
- уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлашда фуқароларга;
- аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига;
- фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этишга кўмаклашади. [5]

Мазкур санаб ўтилган маҳалланинг кўмаклашишдаги фаолияти миллий хавфсизлик ва унинг айрим соҳаларидаги миллий манфаатларни таъминлашда намоён бўлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, хавфсизлик фанида хавфсизлик субъекти шартли равишда икки гуруҳга ажратилади: асосий (бирламчи) ва ҳосила (иккиламчи) [6, Б.27]. Маҳалла ҳосила субъект сифатида асосий субъект ҳисобланган давлатнинг иродаси асосида яратилади.

Давлат ўз фуқароларнинг манфаати ва эҳтиёжларини муайян тарихий, маданий, географик ва бошқа ўзига хос томонларни ҳисобга олган ҳолда айнан маҳаллий шароитларда таъминлаб бориши мумкин. Бунда давлат ҳокимияти органлари тизими фаолияти ёрдамга келади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти мавжуд бўлган мамлакатда шахс манфаати, давлат манфаати, шу билан бирга, маҳаллий манфаатлар эътироф этилади ва кафолатланади. Бунда маҳаллий манфаатлар давлат манфаати ифода этилиши усулининг таркибий кўриниши эмас, балки алоҳида мустақил аҳамиятга ва кафолатга эга бўлган манфаат ҳисобланади [7, Б.18-19].

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритган дастлабки даврларданок ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Бу борада биринчи Президентимиз И.Каримов “Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули - маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар.

Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан. Зеро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу - сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир.

Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, манаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювош бўлиб қолади. Нега деганда, ҳамма - у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирмасин, маҳалла аҳлига бўйсунушга мажбур. Шунинг учун, тақрор айтаман, айрим "бели бақувватлар" ҳам, кутуриб кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага қулоқ солади. Қулоқ солмай ҳам кўрсин-чи! Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суянган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим. [8]" – дея таъкидлаган эди.

Бугунги кунда мамлакатимиз “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш учун зарурий ҳуқуқий, маънавий ва моддий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлигини кўришимиз мумкин. Маҳалла фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартиб солиш мақсадида ўтган йиллар давомида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида, йилдан йилга маҳалла шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи, фуқароларнинг турли ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлатнинг маълум бир функциялари босқичма-босқичлик асосида маҳалла тизимига ўтказилмоқда. Бизнинг фикримизча, маҳалла миллий хавфсизликни субъекти сифатида уни кириб бормаган ёки дуч келмаган хавфсизликнинг соҳаси ва даражаси йўқ.

Агарда биз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасини ташкил қилувчи элементлар фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, маҳаллани миллий хавфсизликнинг деярли барча соҳалари билан фаолияти боғлиқлигини кўрамиз.

Ҳозирги кунда ҳар бир маҳалладаги фуқаролар йиғини 7 та элементни ўз ичига олувчи “Маҳалла еттилиги” гуруҳидан иборат. Бу элементлар фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспектори, маҳалла хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ инспектори, ёшлар етакчиси ва ҳоким ёрдамчисидир. Ушбу элементларнинг вазифа ва функциялари миллий хавфсизликнинг соҳа ва даражаларни таъминлашга хизмат қилади.

Жумладан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасига кўра “Маҳалла еттилиги” гуруҳи аъзоларининг вазифа ва функциялари қуйидагича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1) Маҳалла раиси:

- қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан мақсадли фойдаланишни, бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишини ва ҳисоботи тақдим этилишини таъминлаш, шунингдек, ҳар чорақда фуқаролар йиғини мажлисига жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот бериш;

- пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда банклардан маблағларни олишга ишончномаларни тасдиқлаш;

2) Профилактика инспектори:

- давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш;

- давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларга қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

3) Маҳалла хотин-қизлар фаоли:

- хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш;

- хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларни ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга кўмаклашиш;

4) Ижтимоий ходим:

- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича кўмаклашиш;

5) Солиқ инспектори:

- маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш;

- ўзига бириктирилган участкада мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш юзасидан тегишли ишларни бажариш ҳамда уларни тегишли солиқларни ўз вақтида тўлашларини назорат қилиш;

- пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

6) Ёшлар етакчиси:

- тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида — «Ўзбекистон учун 100 ғоя» ва «Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори» танловлари, «Бизнесга биринчи қадам» грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этиш;

- ёшларни ўз бизнес ғоялари асосида тадбиркорлик қилишларига яқиндан кўмаклашиш;

7) Ҳоким ёрдамчиси:

- маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит ва субсидиялар ажратилишида кўмаклашиш;

- ўзини ўзи банд қилган ҳамда ташаббускор фуқароларнинг тадбиркорликка қизиқишларини аниқлаш, уларнинг кичик бизнес субъектига айланишига ёрдам бериш;

- аҳолига ижара ҳуқуқи асосида ажратилган ер майдонлари ва томорқаларда экилган экинлар ва етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритади, шунингдек, деҳқон хўжаликлари билан экспортёр, брокер ва қайта ишловчи корхоналарнинг ҳамкорлигини ташкил этиш;

- маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича микролойиҳалар манзилли дастурини шакллантириш ва лойиҳаларни амалга оширишга тўсик бўлаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш;

- маҳалладаги бўш турган бино-иншоотлар ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўриш.

Демак, “Маҳалла еттилиги” гуруҳи аъзолари вазифа ва функцияларни бажаришда маълум бир даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлашда моддий неъматлар ва мулк тақсимотига оид муносабатларда ўз ҳиссаларини кўшади. Бу эса, “Маҳалла еттилиги” гуруҳи аъзолари имкониятларидан миллий хавфсизликни таъминлашда фойдаланишимиз мумкин. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало маҳалла тизимида, маҳалла фаоллари ва фидойиларининг улкан салоҳиятига таянамиз. [9]” – деб таъкидлаган.

Бундан ташқари, маҳалла миллий хавфсизлик субъекти сифатида бошқа субъектларга ўхшаб бир вақтнинг ўзида бир неча хавфсизлик даражаси ва соҳалари доирасида фаолият юрита олиши мумкин. Унга кўра, маҳалланинг географик жойлашуви муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда республикадаги 9442 та [10] маҳалла фуқаролар йиғинларининг 5062 таси - туман марказигача 30 км бўлган масофада, 1984 таси - шаҳарда ва 1219 таси - туман марказида, 599 таси - туман марказидан 30 км ва ундан олис масофада, тоғли ва чўл ҳудудида, шунингдек, 578 таси - чегара (шундан, 32 таси анклав ҳудудида) жойлашган.

Маҳалла давлатнинг чегара ёки анклав қисмида жойлашган ҳолларда унинг ижтимоий муносабатлар иштирокчиси сифатидаги фаолияти хавфсизликни миллий (маҳаллий) ва минтақавий даражада намоён қилади. Мазкур хусусият маҳалланинг миллий хавфсизликни таъминлашда бошқа субъектлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маҳалла институтини Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг субъекти сифатида тадқиқ этиш зарурияти куйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, эзгу мақсад йўлида фуқароларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи, ўзини ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий тузилма эканлиги;

Иккинчидан, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, кўмаклашиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш функцияларни амалга ошириш имкониятига эгаллиги;

Учинчидан, маҳалла субъекти сифатида бошқа миллий хавфсизлик субъектларга ўхшаб бир вақтнинг ўзида бир неча хавфсизлик даражаси ва соҳалари доирасида фаолият юрита олиши;

Тўртинчидан, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этиши.

Мазкур ўзига хослик маҳалла институтини Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг субъекти сифатида кўришимиз имконини беради.

REFERENCES. ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Исломов И.Н. Маънавий хавфсизлик. Монография. – Т.: Complex Print, 2023. – Б.10.
2. Бобокулов И.И. Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланмаси. – Т.: ЖИДУ, 2010. – Б 10.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-409-сонли қонуни. 14-модда. <https://lex.uz/acts/3030362>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги 483-І-сонли қонуни. 8-модда. <https://lex.uz/acts/2156899>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-350-сонли қонуни. 13-модда. <https://lex.uz/acts/2156899>.
6. Бобокулов И.И. Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланмаси. – Т.: ЖИДУ, 2010. – Б 27.
7. Маликова Г. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (хуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2009. – Б 18-19.
8. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясининг 1994 йил 15 июльдаги сўзлаган нутқи. <https://api.ziyonet.uz/uploads/books/47879/5899c92cb62b3.pdf>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига табриги. 22.03.2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4250>.
10. Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси маълумотлари 2023 йил декабрь ҳолати.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz